

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

## **БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КРЕАТИВ КОМПОНЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ**

Тадқиқотчи Арзиев Ш.

Таълимни ташкил этиш мазмунининг ижтимоий моҳиятини ва педагогикага мансублигини ҳисобга олиб, уни бўлажак бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолиятига самарали татбиқ этиш мумкин.

Масалан танланган мутахассислик бўйича ДТС ни ва ОТМнинг бошқа ўқитувчилар билан бирга ишлашни таҳлил қилиш давомида модул умумий педагогика ўқитиши ташкил этиш шакллари ҳақидаги тушунчани шакллантиради. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисини ўқитишининг турли шаклларининг ташкил эттирилиши ва ўзаро боғланиши ҳақида яхлит тасаввур беради каби фанлар билан узвий боғланганлиги аниқланади.

Хозирги замон дидактикасида ўқув материали мазмунини ўзлаштириш даражаларини миқдор ва сифат томонида аниқлаш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг билиш фаолиятини бошқариш тизимини асослашга умумий ёндашувлар ўз такомилига эга эмас. Ўқув материалининг ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш ва бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг билиш фаолиятларини бошқариш тизими даражаларини аниқлашда В.П.Беспалько [1] таклиф этган ёндашув таълим амалиётида қўлланишга лойикдир.

Энг аввало, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари дастур материалининг аниқ мавзууси, бўлимини ўрганишлари натижасида нималарни олишлари кераклигини, қандай малака ва уқувларни эгаллашлари, олинган билимларни касбий вазиятда қаерда ва қандай ҳолатларда қўллашни ўрганишлари лозим. Жумладан, ОТМ доирасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида машғулот, мавзу, бўлим мақсадини қўйиш, мақсадни табақалаштириш, аниқлаштириш ва интеграциялаш, бош, асосий ва ёрдамчи мақсадларни ажратиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолияти мақсадини унга мос натижага амалда ўтказиш укувларини шакллантириш кўзда тутилган. Бу укувларнинг эгалланиши семинарларни амалий ва лаборатория ишларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларида, шунингдек, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан ўқув фани лойиҳасини ва ўз амаллари рефлексиясини яратиш жараённида рўй берди.

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

Бунда ОТМ ўқитувчиши бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан ўқитиши мақсадининг қабул қилиниши, ўзлаштирилиши ва унга амал қилинишига ёрдам бериши керак. Бундай натижага эришилиши касбий компетенликни тарбиялашнинг қуидаги психологик-педагогик механизмлари таъсири остида таъминланади: контекстли, тизимли-фаолиятли ёндашувларнинг барқарорлашуви, тўлдирилиши, трансформацияланиши, амалга оширилиши.

Бу ўқув фанини ўрганишда унинг тизимли мазмуний таъминотини зарурат қилиб қўяди. Ўқув материали мазмунини танлаш ва уни композицион қуриш процедураси В.П.Беспалько [2] асарларида батафсил кўриб чиқилган. Ўқув материали мазмунини танлаш ва структуралашда тизимли ёндашувни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу ОТМ структураси жуда турғун бўлган яхлит дидактик тизимни ташкил этиши билан тушунтирилади, чунки унинг айрим элементлари орасида боғланишлар ва алоқалар фаннинг мантифи билан (ўз ифодасини мос равишда дидактик қайта ишланган ўқув фанида топди), шунингдек, ўқув фанига ҳам, умуман, ОТМга ҳам қўйиладиган психологик-педагогик талаблар билан аниқланган. Ўқув фани лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда шу асосда ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолиятини талабанинг мотивлари ва майлларини ҳисобга олиб ташкил этилиши бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фан мазмунини ўрганиш жараёнини ва шахсий касбий позицияларини, пировард натижада, уларнинг педагогик фаолиятни амалга оширишга тайёрлик ва қобилиятларини умумлаштиради. Бунда курсни ўрганиш жараёнидаги муҳим нарса ўқитувчининг шахсияти ва бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг шахсиятлари орасидаги муносабатларни ўрнатиш, англаш ва таҳлил қилишдир. Ўқитувчи ва талаба орасидаги ўзаро таъсирнинг касбий-шахсиятлиллик аспекти талабанинг (бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг) ўзини тутишини ва шахсиятнинг ижтимоий ташкил этилиши амалга ошириладиган муҳим йўлдир.

Шундай қилиб, тажриба-экспериментал йўл билан аниқланган психолого-педагогик шароитлар ўзаро узвий боғланган. ОТМнинг таълим амалиётида уларга риоя қилиниши бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг мазмуни бўлажак касбий фаолиятнинг мақсадлари, вазифалари, характеристи билан аниқланадиган ва у ОТМ битирувчисининг мазкур фаолиятини моддий, ижтимоий ва шахсий аҳамиятли маҳсулот-ўкув фанини ўқитиши

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

технологияси лойиҳасида ўз ифодасини топадиган назарий, амалий ва мотивацияли тайёрлиги бирлигидан иборат бўлган, уни амалиётда қўлланиши эса ОТМ мутахассисларини тайёрлаш вазифаларини мақсадга йўналган ҳолда амалга оширилишини таъминлайдиган касбий лаёқатлилигининг шаклланишига ёрдам беради.

Дунёда ижтимоий фаол, эркин, ижодий шахс жамият томонидан тобора кўпроқ талабга эга бўлиб бормоқда. Бундай шахсни шакллантириш ва ривожлантириш психологик-педагогик назария ва амалиётнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Шахснинг ижодий қобилиятини, ижодкорлигини ривожлантиришга ҳамда таълим кластери муҳитида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган тарбия фояси таълим жараёни замонавий ёндашувининг асосини ташкил этади. Ижод ва креативлик муаммоси психолог олимлар томонидан асрлар мобайнида тадқиқот муаммоси сифатида тадқиқ этилмоқда. Ижодий қобилиятларни ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, айнан таълим кластери муҳитида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолияти жараёни мазмунини янада такомиллаштириш давр талабидир.

Хозирги кунда Ўзбекистонда «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом этириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш; умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, биология, жисмоний тарбия каби талаб юқори бўлган фанларни чукурлаштирилган тарзда ўргатиш; иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда олий таълим тизимида фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш» устувор вазифа сифатида белгиланди[3].

Жаҳонда олий таълим муассасаларида булажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креативлигини ривожлантириш бўйича мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда, чунки бу жараён ёшларнинг жисмонан ва рухан соғлом шахс булиб шаклланишида жисмоний тарбия фанига қизиқиши уйғотади, ҳар бир талабанинг индивидуал қобилиятларини аниқлашга имкон беради, ҳамда ўз фикрларини эркин ифода этиш учун имкон яратади. Шу сабабли замонавий таълим одамларни

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

---

доимо янгича фикр юритишлири, уйда, жамиятда, мамлакатда дуч келадиган муаммоларни ечимида ижодий фикрлашга ундейди.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Беспалько, В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения / В.П. Беспалько. - М. : [б.и.], 1995. – 144 с.
2. Беспалько, В.П. Слагаемые педагогической технологии / В.П. Беспалько. - М. : Педагогика, 1989. - 190 с
3. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари // Т.: «F.Фулом», –2017.- 70, 71, 72 б.